



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz


2014 йил 17 октябрь, № 201 (6131)

Жума

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



Енгил саноат корхоналарида тайёрланадиган калава ип сифати ва қўлланилиш жиҳатига кўра, бир неча турга бўлинади. Хусусан, 34 ва 50-русумдаги бундай хом ашё ўта пишлоқлиги билан ажралиб туради.

Экспорт ҳажми ошди

Зеро, улардан гилам тўқишда, турли кийим-кечаклар тикишда кенг фойдаланилади. Шу боисдан бундай маҳсулотга ташқи бозорда талаб юқори. Беруний туманидаги "Астера текстиль" масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган 14 миллион 29 минг АҚШ долларлик модернизациялаш тадбирларидан сўнг ана шу турдаги калава ип ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

— Ҳозир корхонамизга ўрнатилган Швейцария технологиялари ёрдамида йилга 5200 тонна юқори сифатли маҳсулот тайёрлаш имкониятига эгамиз, — дейди жамият раҳбари Қобилжон Ҳайитов. — Эришадиган муваффақиятларимизда, айниқса, янги иш бошлаган 150 нафар коллеж битирувчисининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Айтиш жоизки, корхона маҳсулотига талаб ортиб, экспорт ҳажми ҳам икки баробар қўлайди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 862 минг 718 АҚШ долларлик экспорт амалиётлари бажарилгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа муддатда ва мустақкам

Анджон шаҳридаги "Архитектура ва дизайн" корхонаси лойиҳалари асосида бунёд этилаётган бинолар мустақамлиги билан ажралиб туради.

Қурилишда инновацион ғоялардан кенг фойдаланилаётгани яхши самара бермоқда. Жумладан, корхона лойиҳаларида девор орасида иссиқлик сақлайдиган материалларни жойлаштириш кўзда тутилади. Устидан эса алюминий ва гранит қопланади. Бу материаллар ташқи омиллар таъсирига чидамлиги билан бирга, биноларга салобат ва кўрк бағишлайди.

Арзиқулов. — Қолаверса, сувқолаш, пардозлаш, бўяш ишлари ҳам ҳолат қолдирмайди. Пировадидида қурилиш муддати қисқаради. Яна бир жиҳати, қопламалар бино ва иншоот ичида ҳам иссиқликни сақлайди.

Яқинда Анджон шаҳрининг Навоий ва Бобур шоҳқўчаларидаги 5 та кўп қаватли тураржой биноси айнан ушбу лойиҳа асосида қурилди.

Сайдахмад ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Худудий дастур асосида

Каттақўрғонлик Хайитмурод Тошев оилавий бизнесни ташкил этиб, аҳолига маийший хизмат кўрсатиб келарди. Яқинда тадбиркор бўш турган бинони мукамал ташкирлаб, ёнча ишлов бериш цехини ҳам ишга туширди.

— Буортмачиларга қайрағоч, ёнғок, ўрик, терак каби дарактлардан турли ўлчамдаги тахта тайёрлаб бераёلمиз, — дейди тадбиркор Ҳ. Тошев. — Бу эса қурилиш ташкилотларига катта маблағни тежаб қолиш имконини яратмоқда.

Эндиликда тадбиркор маҳаллий хом ашёдан мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш борасида ҳам ишланмақда олиб бораёпти.

Айтиш ўринлики, жорий йилда туманда махсус худудий дастурга асосан, 99 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кичик бизнес ривожини

илфор технологияларнинг жорий этилишида ҳам яққол намоён бўлмоқда



Кеча пойтахтимиздаги "Кўргазма савдо маркази" мажмуида кичик бизнес субъектлари учун ускуна ва жиҳозлар, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намоишига ихтисослаштирилган халқро кўргазма иш бошлади. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси кўмагида "Ехросcontact" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракати мамлакатимизда мустақиллик йилларида шаклланиб, ўтган қисқа давр ичида иқтисодий тизимнинг жадал суръатларида ривожланаётган етакчи соҳалардан бирига айланди. Жорий йилнинг биринчи ярми якуналарига кўра, ялпи ички маҳсулотда мазкур соҳанинг улуши 43,9 фоиз, саноатда 28,4 фоиз, пуллик хизмат кўрсатишда 45,2 фоиз, бандликда 76,4 фоизга етгани шундай дейишимизга тўла асос бўла олади.

Халқро кўргазманинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар алоҳида таъкидлаганидек, кўлга киритилаётган бундай ютуқлар замирида Президентимиз ташаббуси билан қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлик ҳаракатини ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ижроси мужассамдир.

Дарҳақиқат, республикаимизда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, самарали бизнес юритиш учун ортқча бюрократик ва маъмурий тартиб-таомилларга чек қўйишга доир изчил ишловлар олиб борилаёпти. Натижада юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятлари тез юзага чиқиб, уларнинг изланувчанлиги тўғрисида ички бозор сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилиши баробарида, товарларимизнинг экспортдаги улуши ҳам кўпаймоқда. Бундай қулай шарт-шароитлар, табиийки, хорижлик ишбилармонларда ҳам катта қизиқиш уйғотаёпти.

(Давоми 2-бетда).

Округ сайлов комиссиялари муҳим сиёсий тадбирга қизгин тайёргарлик кўрмоқда



Жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Айни чоғда марказда ва жойларда мазкур муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш бўйича фаол иш олиб борилаёпти.

САЙЛОВ — 2014

Сайловларни миллий сайлов қонунчилигимиз талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказиш мақсадида тегишли ташкилий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Вилотимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар изчил амалга оширилмоқда, — дейди Тошкент вилояти сайлов комиссияси раиси У. Абдушохидов. — Бугун бутун эътиборимиз ушбу муҳим сиёсий жараённинг амалдаги қонунлар, умумэътироф этилган халқро норма ва стандартларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказилишини таъминлашга қаратилаяпти. Зеро, мамлакатимизда фуқароларнинг сайлов

ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун барча шарт-шароит ва қонуний асослар яратилган. Шу ўринда вилоятимиздаги округ сайлов комиссиялари режа асосида тезкор фаолият юритаётганини қайд этиш жоиз. Улар жамоатчиликнинг бўли вакилларидан иборат таркибда ишчанлик ва профессионал сифатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган. Округ сайлов комиссиялари аъзолари таълим соҳаси, жамоат бирлашмалари, нодавлат ношароит ташкилотлари, соғлиқни сақлаш тизими ҳамда ишлаб чиқариш соҳасида обрў-эътибор қозонган кишилар ҳисобланиб, уларнинг ақсарияти илга-

риги сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда иштирок этган.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда фуқароларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиб, улар жамиятда кечаётган жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан қарамоқда. Шунинг учун ҳам округ сайлов комиссиялари сайлов участкаларини туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузиш чораларини кўраёпти. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам ташкил этилади. Шунингдек, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Улар жойлашган худуди бўйича сайлов округларига кирарди.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОҲОТ

Юртимизда чет эллик инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани боис хориж сармояси иштирокидаги корхоналар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish ҳамда худудлар экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

ҚУЛАЙ ИНФРАТУЗИЛМА ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида ҳам 23 та мамлакат билан савдо-иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, АҚШ, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Миср, Сингапур, Швейцария каби давлатлар ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналарда енгил саноат, қурилиш, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, нефть-газ ва бошқа тармоқлар учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, турли хизматлар кўрсатилаётир. Жорий йилнинг январь — июнь ойларида худудда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 1 триллион 749,9 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилиши эса бу борадаги имкониятлар кўламини янада кенгайтирди. Эътиборлики, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 200 миллиард сўмдан кўпдир. Шунингдек, йилнинг биринчи ярмида воҳода давлат кафолати остидаги чет эл кредитлари ҳисобида 251,9 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, "Таллимаржон" ИЭСда иккита буғ-газ қурилмаси, "Asia trans gas" Ўзбекистон — Хитой қўшма

корхонасида газ ўтказгич объектини бунёд этиш, "Мароқанд — Қарши" темир йўл участкасини электрлаштириш лойиҳалари ҳамда қишлоқ хўжалиги, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилди.

— Чет эл сармоядорларини жалб этиш учун, аввало, инфратузилма иншоотлари замон талабларини даражасида бўлиши керак, — дейди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Баҳодир Жамолов. — Чунки коммуникация воситалари етиб бормаган, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмаган жойга сармоя киритишни ҳеч ким истамайди. Шу боис кейинги йилларда вилоятимиз марказини чекка худудлар билан боғловчи йўллар ҳамда бошқа инфратузилма иншоотларини яқшиллашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Натижада хорижий инвесторлар нафақат вилоят ёки туман марказлари, балки қишлоқ жойларда ҳам йирик ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш мақсадида маҳаллий тадбиркорларимиз билан шериклик муносабатларини ўрнатишмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Экологик мувозанат барқарорлиги омили

Давлатимиз раҳбари 2010 йили БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инқирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайитириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ОЛДИДАН

Мухбиримиз бу борада қилинаётган ишлар, устувор йўналишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланиш устидан назорат бўйича бош бошқармаси бош мутахассиси Зульфия ЯРУЛЛИНА билан суҳбатлашди.

— Орол денгизи қачонлардир юқори биологик маҳсулдорлик ва бой тирик организмлар макони бўлиб, балиқчилик, овчилик хўжалиги, сув транспорт тизимида муҳим аҳамиятга эга эди. Бугунга келиб, нима учун бу ерда шароит мутлақо ўзгариб кетди?

— Дарҳақиқат, бир пайтлар ушбу худуд дунёдаги ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган. Хабарингиз бор, унинг акваторияси Қорақум, Қизилқум чўллари ва Устурт платоси қуршовида жойлашган. Яқин ўтмишда денгизнинг

сув юзаси узунасига 340, энгига 217 километри ташкил этарди. Боиси, унга ўша пайтларда Амударё ва Сирдарёдан йилга 55 куб километр сув қўйиларди.

Денгиз саёзлашувининг тезлашиши йиллик сув оқими ўта паст даражага, яъни, бор-йўғи, 5 куб километрга тушиб қолган йигирманчи асрнинг 60-йилларига тўғри келади.

Бугунги кунда Орол денгизи сатҳи олти баробардан зиёд, сув

ҳажми ўн баробардан кўпроққа қисқариб кетганига гувоҳ бўлиш мумкин. Ундаги сувнинг шўрланиш микдори ғарбий томонда 110 дан 112 г/лгача, шарқий тарафида эса 280 г/лгача етади. Денгиз иккига бўлиниб, ҳар қачонгидан қисқариб кетган. Унга туташ худудларда туз-чанг тўзони ҳосил бўлиши жадаллашиб, бу илгари ҳосилдор бўлган ерларнинг шўрланишига олиб келди. Асрлар давомида шакланган экологик тизимнинг бузилиши, айниқса, флора ва фаунанинг қатор турлари йўқолиб кетишига олиб келди ва табиатнинг ўзини ўзи тиклаш имкониятини чеклаб қўйди.

— Орол муаммосини ҳал этиш учун қандай ишлар олиб борилаёпти?

— Таъкидлаш лозимки, Марка-

зий Осиё давлатлари Орол инқирози оқибатларини енгиш йўлида катта куч-ғайрат, сая-ҳаракатларни сафарбар этмоқда. Бу борада 1993 йил 26 мартда Оролнинг кутқариш халқро жамғармаси тузилгани муҳим воқеалардан бири бўлди. Мазкур жамғарма томонидан Оролбўйидаги экологик санитария-эпидемиологик ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яқшиллаш мақсадида қатор дастурлар ишлаб чиқилди. Хусусан, грант ва узоқ муддатли имтиёзли қарзлар ҳисобидан худудда кичик ҳамда ўрта бизнес, агротадбиркорликнинг равнақ топтириш, шўрға чидамли ўсимликларни ўстириш технологияларини жорий қилишга кўмак берилди.

(Давоми 2-бетда).

Иқтидорли болалар фестивали



Навоий шаҳрида "Камалак юлдузлари" республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда олтига йўналиш бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган 420 нафар иқтидор эгаси иштирок этди.

— Фестивалда намоиш қилинган тасвирий ва амалий санъат йўналишидаги ишларим кўпчиликка манзур бўлди, — дейди карманалик Рухсора Раимова. — Бу касб инсондан мустаҳкам ирода, нозик дид ҳамда истеъ-

дод талаб этади. Мен республика босқичида ҳам фаол қатнашиш ниятидаман. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти кенгаши, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари

ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбир иқтидорли ёшларни аниқлаш, ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш, санъатга бўлган қизиқишини оширишдек олижаноб мақсадларга хизмат қилмоқда.

Танлов якунида барча йўналишлар бўйича голиблар аниқланиб, улар мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК» АТБ
томонидан стратегик инвесторларга таклиф.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ноҳор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

- «Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
- Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дусллик кўчаси, 55-уй.
- «Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
- Корхона манзили: Фарғона вилояти, Кувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.
- «Хоразм shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
- Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

Маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ноҳор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефонлар: (0-371) 120-36-04, (+99895) 199-29-36.
Факс: (0-371) 120-45-64, 120-36-29. E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz

«GLOBAL SAVDO FAYZ BUXARA» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро шаҳар бўлими томонидан Бухоро вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 10 декабрдаги 20-1203/23268-сонли, 2013 йил 1 февралдаги 20-1302/1979-сонли, 2014 йил 9 июндаги 20-1401/7569-сонли, 2013 йил 7 июндаги 20-1303/5287-сонли ҳамда 2014 йил 5 июндаги 20-1405/4578-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган, «Монтажчи» УЎГА тегишли, 2007 йилда ишлаб чиқарилган «Гусен PD320Y-1» рессумли бульдозер қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 392 247 572 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 6 ноябрь кuni соат 11.00 да «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади.
Аукцион савдосига қўйилган бульдозер билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида

иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.
Юқоридаги бульдозер 2014 йил 6 ноябрдаги аукционда сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 21 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Global Savdo Fayz Buxara» МЧЖнинг ДТ Халқ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000405017774001, МФО: 00116, СТИР: 302485226.

Телефон: (0-365) 221-54-43.

«ОНАУС» тарозилари
Ишончли Аниқ

Кенг танлов
www.fortek.uz

Махсулот сертифициланган.

Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50. e-mail: office@fortek.uz
Факс: (+998 71) 267-71-90. web: www.fortek.uz

«UNIVERSAL AUKTION INVEST» МЧЖ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади.

2014 йил 17 ноябрь кuni соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан хатланган, Денов тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

ЖИБ Сароисё тумани судининг 2014 йил 17 июндаги 1-207-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган «ВАЗ 21013» рессумли, давлат рақами 19 О 6838, бошланғич баҳоси — 3 960 000 сўм;
ЖИБ Музработ тумани судининг 2013 йил 3 сентябрдаги 1-52-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2011 йилда ишлаб чиқарилган «Нексия» рессумли, давлат рақами 75R171BA, бошланғич баҳоси — 4 180 000 сўм.
2014 йил 31 октябрь кuni соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 18 январдаги 1-71-14-сонли ижро варақасига асосан, Қумқўрғон тумани СИБ томонидан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБ ЙХБнинг жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «Тико» рессумли, давлат рақами 75 N 849 DA, бошланғич баҳоси — 8 063 613 сўм;
ЖИБ Қумқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 23 сентябрдаги 1-1186-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ДТ Халқ банки Қумқўрғон тумани филиали маъмурий биносида сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган «Леганза» рессумли, давлат рақами 75 Q 844 BA, бошланғич баҳоси — 30 000 000 сўм;
Олтинсой тумани СИБ томонидан ЖИБ Музработ тумани судининг 2013 йил 4 ноябрдаги 1-87-2013-сонли ижро ҳужжати асосан хатланган, Олтинсой тумани ИИБ ЙХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган «Зил-138А» рессумли, давлат рақами 75 N 070 CA, бошланғич баҳоси — 18 176 400 сўм;

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази». Мурожаат учун тел.: (+99890) 246-54-01.

Сариосиё тумани СИБ томонидан ФИБ Сароисё тумани судининг 2014 йил 22 апрелдаги 1050-сонли ижро варақасига асосан хатланган, АТБ «Микрокредитбанк» Узун филиалида сақланаётган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган «ГБА СПГ Нексия» рессумли, давлат рақами 75 R 160 DA, бошланғич баҳоси — 21 759 690 сўм.
Маъмур автотранспорт воситалари 2014 йил 31 октябрдаги аукцион савдосига сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 17 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 17 ноябрь кuniдаги савдога 2014 йил 14 ноябрь кuni соат 11.00 да ва 2014 йил 31 октябр кuniдаги савдога 2014 йил 30 октябр кuni соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal Auktion Invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закатат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Гувоҳнома № 004059.

«АСАКА» банки
миллий ва хорижий валюталардаги қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютада:
«ФАРОВОН ТУРМУШ»
Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ТЕХАМКОР»
Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой. Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал хизматлар ва бошқа тўловларга йўналтирилади.

«СОҒЛОМ АВЛОД»
Омонатнинг сақланиш муддати — 24 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чорақда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«МУСТАҲҚАМ ОИЛА»
Омонатнинг сақланиш муддати — 18 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Хорижий валютада:
«ШОДИЁНА» (АҚШ долларлари)
Омонатнинг сақланиш муддати — 24 ой.
Ҳисобланган фоизлар 12 ой ўтгандан сўнг ёки омонат муддати тугагандан кейин берилади.

«СТАБИЛЬНЫЙ-1» (еврода)
Омонатнинг сақланиш муддати — 12 ой.
Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий ҳамда хорижий валюталарда қулай шартларда 90 дан ортиқ турдаги омонатларни таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

«АСАКА» БАНКИ САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИНИ ВА ҚЎПАЙИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳри филиали	(0-371)	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	(0-371)	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13
Андижон вилояти филиали	(0-374)	298-02-10
Асака филиали	(0-374)	233-15-68
«Фарход» филиали	(0-374)	226-97-53
Фарғона вилояти филиали	(0-373)	224-70-83
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-10-11
Кўкон филиали	(0-373)	552-61-06
Наманган вилояти филиали	(0-369)	226-91-45
Навоий вилояти филиали	(0-436)	770-24-09
Зарафшон филиали	(0-436)	573-18-75
Бухоро вилояти филиали	(0-365)	223-70-05
Бухоро шаҳри филиали	(0-365)	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-75-40
Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-56
Хоразм вилояти филиали	(0-362)	226-96-03
Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

БАРЧА ОМОНАТЛАР ҲАҚИДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Сизнинг омонатларингиз: **Хизматлар лицензияланган.**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

www.asakabank.com

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Тошкент минтақавий филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қуйи Чирчиқ тумани СИБ томонидан 2014 йил 12 майдаги 11-1227/9221-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Тошлоқ» ҚФЙ, Алишер Навоий ФХУ, Сурум қишлоғида жойлашган «Шоликор ММТП» МЧЖга тегишли, умумий майдони 2,50 га бўлган, 3 та омборхона, битта бостирма ва битта кириш хонаси бино-иншоотлари такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 475 420 172 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 3 ноябрь кuni соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2014 йил 31 октябрь кuni соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'snmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг АИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: (0-371) 228-78-96. www.1kms.uz.
rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

VEGA ERP
Корхонани бошқаришни автоматлаштириш

VEGA
ERP система

Корхонани бошқаришнинг самарали воситаси

Омбордаги захираларни бошқариш
Ишлаб чиқаришни бошқариш
Мабағларни режалаштириш
Ходимлар менежменти
Корхонанинг ҳисоботи

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган © 2014 «VEGA»

Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65. e-mail: info@vega.uz
Факс: (+998 71) 267-71-90. web: www.vega.uz

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратининг жамоаси масъул ходим
Азим Дурдиевич ДЖУРАЕВИЧ
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

O'ZSANOATQURILISHBANK

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон ва унинг манфаатларига қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, республикамиз молия бозорида нуфузли саналган "Ўзсаноатқурилишбанк" фаолияти ҳам юртимиз ободлиги ва равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш ишига муносиб ҳисса қўшишга йўналтирилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг 44 та филиали, 50 га яқин минибанки ҳамда 62 та жамгарма кассаси мавжуд бўлиб, улар ҳамisha мижозлар билан гавжум. Шунингдек,

тўловларни қабул қилишга мўлжалланган 153 та ва халқро қул ўтказмалари операцияларини қўриқиб туришга мўлжалланган 105 та шохобчаси ҳам аҳоли ҳамда мижозларнинг доимий ҳамкорига айланган. Бошқача айтганда, банкнинг аҳил жамоаси бир миллиондан ортиқ мижозларга сифатли хизмат кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ҳар куни банкка турли масалалар юзасидан мурожаат эътиборини минглаб юрtdошларимиз улар фаолиятининг мамнун бўлаётди.

Жорий йилнинг 1 октябрга ҳолатига кўра, молия муассасасининг ўз капитали 474,4 миллиард сўмга етказилди. Банкнинг жами ресурс базаси эса 7,5 триллион сўмдан ошди.

Табиийки, "Ўзсаноатқурилишбанк" эришаётган бундай муваффақиятлар тақдим этилаётган хизмат турларининг кўпчилиги, сифати ва салмоғи ортиб бораётганлиги, ходимларнинг билим ҳамда тажрибаси, энг асосийси, мижозга муносабати юксалганлиги билан боғлиқ. Юз турдан ортиқ замонавий банк хизматларини кўрсатаётган мазкур молия муассасасининг самарали фаолияти, мана, беш йилдирки, жаҳоннинг энг нуфузли халқаро рейтинг компаниялари томонидан муносиб баҳоланаётганлигининг сабаби шунда. Банк мижозлари ҳам у ҳақда илқ фикрдалар. Куйидаги дил сўзлари бунинг яққол тасдиғидир.

Сифатли, замонавий ва қулай

банк хизматларини кўрсатаётган "Ўзсаноатқурилишбанк" юртимиз молия бозоридаги нуфузини янада мустақамламоқда

Ҳар жиҳатдан афзал

— Очиғи, бир вақтлар оддий бир карточкага бутун бир жамгарма жойлаштирилиб, нафақат мамлакат, балки жаҳоннинг исталган жойида ундан фойдалана оласиз, дейилса, кўпчилик ишонмасди. Бугун эса пластик карточкалар орқали нақд пулсиз муомаланинг амалга оширилиши кундалик оддий жараёнга айланган. Бошқача айтганда, "Пластик карточка", "терминал" ёки "банккомат" деган атамаларни энди ҳамма яхши билади.

жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада олиб борилаётган ишларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилаяпти.

ишончли хизмат кўрсатиш йўлида энг сўнгги замонавий технологияларни жорий қилмоқда. Хусусан, мижозларга масофадан туриб кўрсатиладиган жуда кўплаб хизмат турлари — "Банк

Республика Марказий банки ташаббуси билан жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида "Ўзсаноатқурилишбанк" мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёшлар билан учрашувлар ташкил этиб, 600 нафардан зиёд йигит-қизга 8,5 миллиард сўмлик кредитлар тақдим қилди. Бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу давридаги нисбатан қарийб 2 баробар кўпдир.

Биргина шу йилнинг 1 октябрга келиб пластик карточкалари орқали 1,1 триллион сўмлик тўловлар амалга оширилди. Йил бошидан буён терминаллар орқали ўтказилган тўловларнинг 80 фоизи савдо шохобчалари ҳиссасига тўғри келди. "Ўзсаноатқурилишбанк" халқаро пластик карточкалари банк томонидан ўрнатилган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминаллар орқали "on-line" режимида тўловларни амалга оширади. Айни пайтда банк пластик карточкалари сони 937,6 минг донга етди.

Мижозлар ишончи ортмоқда

— Жамоамиз йигирма йилдан буён "Ўзсаноатқурилишбанк" —

— мижоз", "Интернет-банкнинг", "SMS-банкнинг", "Уй банки", "SMS-тўлов", "Шахсий кабинет" каби қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Шахсан мен "Муборакнефгаз" унитар шўъба корхонаси бош ҳисобчиси сифатида фаолиятимни амалга оширишда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг "SMS-банкнинг" хизмат туридан кенг фойдаланаман. Чунки ушбу хизмат менга қатор қулайлик ва афзалликларни яратиб беради. Айтайлик, ундан фойдаланган ҳар бир киши масофадан туриб, кун мобайнида мобил телефонга "SMS" хабарлар жўнайтиш орқали ҳисоб рақамидидаги жорий қолдиқ, сўнгги кириш ва чиқим операцияларини кузатиш имконига эга бўлади. Бу

оширилиши, уларнинг хавфсизлиги ва юқори бўлмаган хизмат ҳақи мазкур тизимга эътиёб борилиши исботлади. Банк филиалларидаги жамгарма кассаларда амалга оширилаётган халқаро пул ўтказмалари аҳоли эътиборини қозонди.

Хусусан, "Банк — мижоз", "Шахсий кабинет" ва "SMS-банкнинг" хизматидан 3 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектлари ва 13 минг нафарга яқин жисмоний шахслар фойдаланмоқда.

Бундан кўриниб турибдики, банк ўзининг кенг қамровли хизматлари билан аҳолининг молия муассасаларига бўлган ишончини янада мустақамлаб, иқтисодиёт тармоқларини молиялаштириш учун ресурс базасини кенгайтираётти, пул оқимларини банк айланмасига кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилаяпти.

Барчаси аҳоли учун

— Ўн икки йилдан бери "Ўзсаноатқурилишбанк" мижозиман. Шу боис мазкур молия муассасасининг мижозларга банк маҳсулотлари ҳамда хизматларининг замонавий ва жозибадор турларини тақдим этаётганлиги га гувоҳ бўлиб келаяпман. Банкка мурожаат қилувчи ҳар бир шахс хоҳиш-истагини тўла қондириш молия муассасаси ходимларининг устувор вазифаси ҳисобланади. Зеро, қаноат ва қониқтиш ордими, ишонч ка-



Реклама ўрнида

олишга қизиқиши кучайиши турган гап. "Ўзсаноатқурилишбанк" самарали фаолияти билан биз, мижозлар ҳамда худди шундай мустақам ишонч уйғота олган молия муассасаси ҳисобланади.

Мазкур банкнинг яна бир афзаллиги ўзаро ҳисоб-китоб қилишининг энг осон ва қулай усулларини ҳаётга татбиқ этаётганлигидадир, деб биламан. Банк коммунал ва бошқа турдаги хизматлар учун электрон тўловни амалга ошириш ва интернет орқали доимий равишда шахсий ҳисоб рақамига киришга имконият берувчи қатор дастурларни жорий қилмоқдаки, бу мижозларга беқиёс қулайлик яратаяпти. Мисол учун, "Уй банки" хизмат турини олайлик. Ушбу тизим ёрдамида шахсий пластик карточкани бошқариш ва ҳисобварақдаги қолдиқ маблағлар ҳисобидан коммунал ва мобил алоқа каби хизматлар учун тўловларни масофадан туриб бемалол амалга ошириш мумкин.

Алишер СЕРЖАНОВ. Қорақалпоғистон Республикаси

БИЗНИНГ ШАРҲ

Айни пайтда банк филиаллари мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида фаолият кўрсатмоқда. Ходимлар эса ўз муассасасига таширф буорган, мурожаат этган ҳар бир кишини ҳушмуомалилик билан қутиб олиб, юқори савияли банк хизмати кўрсатишга интиломоқда. Қолаверса, барча филиалларда "Ишонч телефони" ишлаб турибди. Улар орқали мижозлар ҳар қандай эътироз, илтимос ва истақларини билдириши мумкин. Барча муаммолар ўз вақтида ечилиб, мижоз манфаатини кўзлаб ҳал этилади.

Мамлакатимизнинг энг йирик ва нуфузли тижорат банкларида бири — "Ўзсаноатқурилишбанк", бу — бизнинг банкнингиз. Банк доимий равишда мижозларнинг ишончини оқлаб, уларга тақдим этадиган маҳсулот ва хизматларини такомиллаштириб бораверади. Зотан, инсон, унинг манфаатлари, турмушининг ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилиш мазкур банкнинг диққат-эътиборидаги асосий масаладир.

Ф. САНАЕВ тайёрлади.



нинг Муборак тумани филиали мижози ҳисобланади. Бу банк йилдан-йилга ўз хизмат турларини тобора кенгайтираётганлиги биз каби мижозлар ишончи янада ортишига сабаб бўлмоқда. Кўп кузатаман, ушбу молия муассасаси мижозларга тезкор, аниқ ва сифатли хизмат кўрсатиш бўйича жаҳоннинг энг нуфузли молия муассасалари билан ҳам бемалол рақобатлаша олишини исботламоқда. Масалан, "Ўзсаноатқурилишбанк" пул ўтказмалари бозорида нафақат мамлакатимиз, балки халқаро банклар орасида ҳам етакчи ўринлардан бирида туради.

Бундан ташқари, банк мижозларга янада қулайлик яратиш ва

эса, табиийки, банк мижозлар сони ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мансур КЎЧИМОВ. Муборак тумани

БИЗНИНГ ШАРҲ

Бугунги кунда банк ўз мижозларига бир вақтнинг ўзида "Interexpress", "Blizko", "Western union" ва "UNiStream" каби ўнлаб халқаро пул ўтказмаларини тақдим қилмоқда. Бу эса банкка дунёнинг турли минтақаларини қамраб олиш имкониятини яратиб, мазкур тизимлар фойдаланувчиларига қўшимча қулайликлар туғдираёттир. Шу билан бирга, пул ўтказмаларининг тезкор амалга

фолатландими, демак, мижозлар сафи кенгайяверади. Айтмоқчиманки, "Ўзсаноатқурилишбанк" барча юрtdошларимизга янги-янги хизмат турларини тақдир этар экан, энг аввало, "Мижоз манфаати — ҳамма нарсадан устун", деган таомилга асосланади.

Яна бир гап. Агар ҳар бир фуқаро банкка қўйган маблағининг бутун сақланишига, ўз вақтида қайтарилишига ва уларга тўланадиган фойзаларнинг барқарор бўлишига, банкдаги пул маблағлари билан боғлиқ барча маълумотлар сир сақланишига ишонч ҳосил қилса, ўзининг вақтинчалик бўш пулларини банкда сақлашга, эвазига қўшимча даромад

Дунё полвонлари Тошкентда беллашмоқда

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) шафелигида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда мамлакатимиз Дзюдо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада 42 давлатнинг 280 нафардан зиёд спортчиси 14 вазн тоифасида (еттитадан эркеклар ва аёллар) голиблик учун кураш олиб бормоқда.

Чорлов садолари остида байрамона безатилган спорт мажмуасига халқаро турнир иштирокчилари — 42 мамлакат терма жамоалари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Тадбирда сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, Ватанимиз шашнини янада юксалтиришнинг муҳим омилли бўлган спортни ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланганини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, дзюдо бўйича Гран-при туркумига кирувчи турнир Халқаро дзюдо федерацияси таъкидидан ўрин олган йирик мусобақа ҳисобланади. У ҳар йили ўн мамлакатда ўтказилади. Халқаро дзюдо федерацияси юртимизда дзюдони ривожлантиришга қаратилган доимий эътибор, ўзбек дзюдо мактаби нуфузи ва спортчиларимизнинг халқаро майдонда эришаётган юқори натижаларини инобатга олиб, 2013 — 2016 йиллардаги Гран-при мусобақасига мезбонлик қилиш ҳуқуқини Тошкент шаҳрига берганди. Ўтган йили унинг биринчи сўра юқори савияда уюштирилгани муҳлиси мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида ўзбекистонлик дзюдо усталари Олимпиада ва Осиё ўйинлари, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда мунтазам юқори натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, 2012 йили Лондонда бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида ҳамюртимиз Ришод Собиров бронза, XIV Паралимпия ўйинларида Шариф Халилов кумуш медални қўлга киритди. Яқинда Хитойнинг Нанкин шаҳрида ташкил қилинган II ўсмирлар Олимпиадасида ёш полвонимиз Сухроб Турсунон бронза ва олтин медалларга сазовор бўлиб, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир қарра амалда намойиш этди.

Жанубий Корейнинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинларида эса дзюдочиларимиздан Дилшод Чориев кумуш, Мирзохид Фармонов, Рамазиддин

Хотин-қизлар мусобақасида эса белгиялик Чарлиана Ван Сини, туркиялик Сумейке Окқуш, муғулистонлик Отгонотсетег Галбадрах, тсолман Адиясambu, россиялик Ирина Долгова, руминиялик Андреа Читу, Корина Каприориу, бразилиялик Элеудис Валентин, португалиялик Жоана Рамос, сербиялик Йована Рогич, польшалик Арлета Подолак, исроиллик Камила Минакава медалларга сазовор бўлди.

Тошкент Гран-приси 18 октябрга куни якунланади.

Фозилдин АБЛЛОВ. «Халқ сўзи» муҳбири.

Баскетболчилар баҳси

Навоий шаҳридаги "Сўғдиёна" спорт мажмуасида баскетбол бўйича эркеклар ўртасида республика мусобақаси бўлиб ўтди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда республика Баскетбол федерацияси ҳамкорлигида ташкил қилинган мазкур беллашув якунида биринчи ўринни Тошкент шаҳрининг "Электроаппарат" жамоаси эгаллади. Иккинчи ўринни пойтахтнинг яна бир жамоаси — "МХСК" клуби вакиллари қўлга киритган бўлса, учинчи ўрин Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига насиб этди.

Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчилар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Азамат ҒУЛОМОВ.

Таиланднинг Бангкок шаҳрида велоспорт бўйича ўтказилган Осиё кубогида ўзбекистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли қатнашиб, битта олтин, учта кумуш ва тўртта бронза медалга сазовор бўлишди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котбият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.